
Шу кунга қадар 34 та трансформатор пункти ва 82 км узунликдаги тармоқлар мукамал таъмирланди

Бағдод туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан режа-дастурга асосан ҳудудларда электр тармоқларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари давом этаётир.

Корхона раҳбари Давлатжон Собировга кўра, ушбу мавсумда 66 та трансформатор пункти ва 171,1 км. узунликдаги тармоқни мукамал таъмирлаш режалаштирилган бўлса, ишни тўғри ташкил қилиб, куч ва воситалардан ўз ўрнида фойдаланилгани натижасида бугунга қадар 34 та трансформатор ва 82 км. узунликдаги ҳаво узатиш линиялари мукамал таъмирланди.

Шунингдек, тармоқларни дарахт шоҳларидан тозалаш ишлари ҳам жадаллик билан олиб бориляпти.

Туманда амалга оширилаётган энергетика тизимидаги ижобий ишлар туфайли аҳоли сифатли электр таъминотидан баҳраманд бўлмоқда. Соҳа ходимлари томонидан аниқ режалар асосида амалга оширилаётган ишлар натижасида электр энергияси таъминоти яхшиланиб бормоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-10 17:25:42